УзССР Давлат китоб палатаси
Гос. книжная палата УзССР
3003 96




# ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

1996 ЙИЛ

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ • СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН 26 январ, № 4 (3341)


ТАДҚИҚОТ * АХБОРОТ

## ФИТРАТНИНГ ЯНГИ ҲИКОЯСИ

«Қиз қотили» ҳикояси эълон қилинганда ўша давр шўро танқидчилари уни жуда нохуш, бошқача айтганда, найза билан қарши олди. Жумладан, 1933 йилнинг 21-23 сентябр кунлари бўлиб ўтган Ўзбекистон жумҳурияти Шўро ёзувчилари союзи ташкилот бюросининг пленумида «Ўзкомпартия марказқўмининг адабиёт ҳақидаги июл қарорининг бажарилиши ва жумҳурият ёзувчилар қурултойига тайёргарлик тўғрисида» маъруза қилган Зиё Саид драматург Умаржон Исмоиловнинг «Пахта шунғиялари» асарини ҳамда Абдурауф Фитратнинг «Қиз қотили» ҳикоясини мафкура жиҳатидан бетутуруқ асарлар, деб атаган ва бундай асарларнинг пайдо бўлишини ёзувчилар орасида синфий ҳушёрлик бўшаштириб юборилгани оқибати, деб баҳолаган («Ўзбекистон шўро адабиёти» журнали, 1933 йил, 9-10-сонлар).

Мен бу ҳикояни ўқишдан олдин танқидчилик тарихига доир манбааларда юқоридагидек фикрларга дуч келгандим. Вақти келиб ҳикояни ўқидим... очиғи, қайта-қайта ўқидим ва таажжубга тушдим: наҳотки, истеъдодли адабиётшунос, атоқли драматург, моҳир ёзувчи Фитрат шундай ҳикоя ёзган бўлса?! Наҳотки, асарининг бу қадар бўшлигини сезмаган бўлса?!

Кейинроқ А. Фитратнинг бадиий асарлари билан яқиндаң танишгач, адибнинг сатрлар орасига «яширган» фикрларини ўқишга муяссар бўлдим... Шунда атоқли адибнинг нега «бўш» ҳикоя ёзганлиги сирини англадим. Бир мутафаккир сифатида А. Фитрат шўро тузуми хотин-қизларни озод қилгани, уларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлигини таъминлангани ҳолда, бу жабҳада «чегарадан ошиб», суиистеъмолга йўл қўяётганини ҳам сезган. Унинг қалбида шўроларнинг бу сиёсатига қарши норозилик туйғуси юзага келган. Ёзувчи шўролар шиор қилиб олган синфий кураш ақидаси, жангари мафкураси инсонларни, хусусан, хотин-қизларни не кўйларга солишидан огоҳ этаётгандек бўлади. Бу эса асарда ўзига хос тарзда ифодасини топган. Шу боис ҳикояда, юзаки қараганда, «синфий душман»ларни фош қилиш ҳодисаси қаламга олингандай туюлса-да, аслида «жангари, синфий шўро хотин-қизларининг юзини кўриб қўйинг!» деган мақсад ётади. Шу жиҳатдан бу ҳикояни мумтоз адабиётдаги «тажоҳили орифона» (билиб билмасликка олиш) усулида ёзилган ҳаётий пародия дейиш мумкин.

«Қиз қотили» ҳикояси «Ўзбекистон шўро адабиёти» журналининг 1933 йил, 1-сонида эълон қилинган.

**Бойбўта ДЎСТҚОРАЕВ,**
**филология фанлари номзоди**

3-бет

*Таниш чеҳралар*



Ўзбекистон халқ артисти Жавлон Ҳамроев

*Муносабат*

## НАРХ БОШҚА, ТАННАРХ БОШҚА

**Ўтган йили пойтахтимиздаги «Зарафшон» ресторанининг муҳташам залларидан бирида иқтисодий мавзуда қалам тебратаётган журналистларнинг республикамизнинг кўзга кўринган иқтисодчи, молиячи олимлари, мутахассислари билан учрашуви бўлиб ўтган эди. Республика раҳбарияти ташаббуси билан уюштирилган бу мулоқотдан кўзланган мақсад — оммавий ахборот воситаларида ёритилаётган иқтисодийислоҳотларнинг бориши ва муаммоларига доир мақолаларнинг савиясини ошириш, мухбирларнинг эса шу соҳага оид хабардорлиги даражасини мустаҳкамлаш, олимлар ва журналистлар ўртасида умумий ишга бевосита дахлдор ҳамкорликни йўлга қўйиш эди.**

**Ўша суҳбатда олимларга «Маҳсулотнинг таннархи, уни арзонлаштириш масаласи бозор муносабатлари шароитида ҳам кун тартибида бўладими, мутасадди ташкилотлар бу ишга аралашадими ёки бундан буён ҳамма нарса бозорнинг қўлида бўладими?», деб савол берган эдим, даврабоши «таннарх» эмас «нарх» денг, деб мени «тузатди». Йўқ, таннарх ҳақида гапирмоқчиман, дедим. Ва фикримни тушунтирдим: «Биз анчадан бери иқтисодий фаолият натижасининг асосий омилларидан бири ҳисобланган бу кўрсаткичга, яъни таннархга эътибор бермай қўйдик. Таннархни арзонлаштириш, унинг таркибида билвосита харажатларни камайтириш, харидорга арзон маҳсулот етказиб бериш вазифаси негадир хаёлимиздан қочди. Айрим товарлар, масалан тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таркибида ўша маҳсулотни етиштириш билан бевосита боғлиқ харажатлардан билвосита харажатлар устунлик қилади. Албатта, маълум меъёрларгача бундай харажатларнинг бўлиши табиий. Аммо, биз маҳсулотни арзон сарф-харажат ҳисобига етиштириш йўлларини етарли даражада ўйламаяпмиз, кам сарф қилиб кўп маҳсулот етиштиришга интилмаяпмиз. Бундай интилиш, ижозатингиз билан айтайинки, айрим ошхоналардагина мавжуд. Улар кам масаллиғдан кўп маҳсулот чиқаришга жон-жаҳдлари билан интилишмоқда. Ишлаб чиқаришда-чи?»**

**Саволимга тахминан қуйидагича жавоб олдим: бугун энди таннархдан кўра нарх муҳимроқ. Нархни бозор белгилайди. Талаб катта бўлса нарх ошади, маҳсулот кўпайса товар арзонлашади. Таннархнинг қандай бўлишидан бундан буён ишлаб чиқарувчининг ўзи манфаатдор. Бозор шароитида давлат бу ишга аралашмайди.**

**Жавоб мени қониқтирмади. Умуман, учрашув якунида шу нарса маълум бўлди: мухбирларнинг кўпида бозор муносабатлари, иқтисодий қонуниятларга доир тушунчалар ҳали заиф, айрим олимларимиз, мутахассисларда эса ҳамон иқтисодиётнинг давлат бошқаруви тасаввури кучли. Бундан ҳеч ким хафа бўлгани йўқ. Ҳар икки томон ҳам муҳокама этилган мавзуга оид билимларни янада чуқурлаштириш зарур, деган хулосага келди. Биз учун муҳими, шу учрашувдан кейин Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида журналистлар учун махсус иқтисодий ўқув ташкил этилди ва у ўзининг яхши самараларини берди.**

**Вазирлар Маҳкамасида ғалла ва пахта етиштиришнинг 1995 йилги якунлари ҳамда бу борадаги 1996 йилги режаларга бағишланган йиғилишда таннарх масаласи кескин қўйилди. Президентимиз бизда ҳали маҳсулот таннархини аниқлашнинг мукаммал механизми яратилмагани, кўп маҳсулотларимизнинг таннархи асоссиз равишда ошиб кетаётгани, таннархни белгилашда унга кетган бевосита сарф-харажатлар эмас, дунё нархларини кўзда тутиш ҳоллари ҳам мавжудлигини қаттиқ танқид қилди. «Шуни англаб етиш керакки, — деб уқдирди Президент, таннарх белгилаш механизмини ишлаб чиқмас эканмиз, қишлоқ хўжалигида банд бўлган одамларни бошқа соҳаларга ўтказиш масаласини ҳам ҳал этиш қийин бўлади. Бугун ўн нафар ортиқча одамни ушлаб турган, уларнинг иш ҳақи ва бошқа харажатларини таннархга киритган бригадир ёки раис эртага юзта одамни ушлаб турмайди, деб ким кафолат бера олади? Қолаверса, таннарх ҳаддан ташқари ортиб кетса, маҳсулотни дунё бозорида сотишнинг ўзи бўлмайди, ахир. Бу ҳақда жиддий ўйлаб кўриш, бозор иқтисодиёти қонуниятларига қатъий амал қилиш пайти етди».**

**Масала жуда равшан қўйилди. Пахта, ғалла каби халқимиз эҳтиёжи учун зарур бўлган маҳсулотларни етиштиришда «бевосита» ва «билвосита» харажатлар нисбатини ўрганиш ва бунда маълум қоидаларга амал қилиш зарур. Айрим тадбиркорлар ҳозир нима қилмоқда? Кўзни ўйнатадиган хизмат хоналари — «офис»лар, улардаги қимматбаҳо мебеллар, видеотехника, замонавий телефонлар, хорижда чиқарилган хизмат автомашиналари харажати, сайру саёҳатларга сарфланаётган пуллар ҳам ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархига қўшилмоқда. Бозор, тўла маънода, рақобат имкониятининг мавжудлиги даражасида шаклланмаган экан, бундай ҳоллар бизга тўғри келмайди. Бозорни совутиб, харидорни ранжитади.**

**Таннарх таркибини ислоҳ қилиш пайти келди.**

**А. МЕЛИБОЕВ**

*Сўнгги соатда*

## ИШ БЎЛСА ЭЪТИРОФ ҲАМ БЎЛАДИ

«Труд» газетасининг куни кечаги сонида «Ўзбекистон — яна бир Осиё «йўлбарси»ми?» сарлавҳали мақолани ўқиб мамлакатимизда мустақилликнинг сўнгги йилларида амалга оширилаётган ишларга берилган юксак баҳодан суюндим, газетанинг ҳаққоний иқрорига қойил қолдим. Бу матбуот нашри илгари ҳам Ўзбекистонда кечаётган жараёнлар ҳақида холислик билан ёзилган мақолаларга ўрин берганлигини эътироф этиш керак.

«Новости» агентлиги мухбирлари А. Безверхов ва В. Мижирицкийлар қайд этишганидек, кейинги икки йилда республикамиз билан алоқа боғлаган чет эллик сармоядорлар, йирик корхоналар шу чоққача иқтисодий муносабатларда биз билан доимий шерик бўлиб келган россиялик ишбилармонлардан ўзиб кетишмоқда. Буни бу йил Ўзбекистоннинг яқин хориж мамлакатлари билан товар айирбошлаш алоқалари 3,3 фоизга, узоқдаги хорижий мамлакатлар билан эса 12,3 фоизга ўсаётгани ҳам кўрсатиб турибди. Ўзбекистонда ҳозир юзга яқин Ўзбек-Россия қўшма корхоналари иш олиб бораётган бўлса, АҚШнинг 188та, Покистоннинг 184та, Туркиянинг 154та қўшма корхоналари қўшма фаолият олиб боришмоқда. Ривожланган мамлакатларнинг йирик корпорациялари Ўзбекистонда автомобилсозлик, телекоммуникация, темир йўлларни электрлаштириш ва бошқа истиқболли соҳаларда кенг кўламда ҳамкорлик қилаётганликлари бугун россиялик ишбилармонларга ибрат бўлиши керак.

Мухбирлар мамлакатимиз ҳаётидаги бу жараённи Ўзбекистон бугун халқаро иқтисодий муносабатларда янги босқичга кўтарилаётгани, Президент Ислом Каримовнинг республиканинг барқарор иқтисодий равнақи йўлида узоқни кўзлаб юргизаётган сиёсатига боғлаган ҳолда изоҳлайдилар.

Бир иқтисодчи олим сифатида «Труд» газетасининг бу иқрори мени мамнун этади. Индаллони айтадиган бўлсак, мустақиллик йилларида республикамизда бундан ҳам катта эътирофларга арзийдиган ишлар бўлмоқда. Гап мана шунда.

**Эгамберди ВАЛИЖОНОВ,**
**иқтисод фанлари номзоди, доцент**

*Нақд гап*

## МЕН НИМАДАН ҚУВОНДИМ?

Яқинда Тошкент шаҳридаги Абдулла Набиев номли Болалар ва ўсмирлар ижодиёти маркази раҳбарияти «Ҳулкар» ёш ижодкорлар тўгарагини қайта тиклашга қарор қилди. Ижодга ҳавасманд болалар истеъдодини аниқлаб, уларни тарбиялаш учун шоиралардан бирини тўгарак раҳбарлигига таклиф этишди. Бу ҳақда бир неча нусхада эълон ёзилиб, яқин атрофдаги 5 та мактабга тарқатилди. Марказдагилар ҳам, тўгарак раҳбари ҳам бугунги шароитда ота-оналар фарзандларини тўгаракка юборармиканлар дея бош қотирдилар. Чунки мактаб ўқувчиларининг баъзилари ҳатто мажбурий таълим дастурини ўзлаштириш бурчини четга суриб, бозорда, гузару чорраҳаларда сақичу папирос, шоколаду печенелар сотиш билан машғул бир пайтда, ижодий тўгаракка ҳавасмандлар топилармикан?

Хавотир асоссиз бўлиб чиқди — номзодлар кутилганидан кўп топилди. Уларнинг ҳар бири билан суҳбатлашиб, шеър ва ҳикоя машқлари маъқул топилган ўқувчиларнинг ўн етти нафари тўгарак аъзолигига қабул қилинди. Тўгарак раҳбари қоидаги кўра болаларнинг исмшарифлари, ёши, турар жойи ва ота-оналарининг ишхоналари тўғрисидаги маълумотларни қайдлар дафтарига ёзиб олди: Алишер шоир-журналистнинг, Маъмура ўқитувчининг, Манзура «Семург» корхонаси ишчисининг фарзандлари экан. Қолган ўн тўрт нафар болакайнинг уч нафари фирма директорларининг, бир бола йирик қўшма корхона раҳбарининг, икки қизалоқ врачларнинг, бир қизча республикамиздан ташқарида ҳам машҳур завод директорининг, яна бири Марказий Осиёда ягона завод директори ўринбосарининг фарзанди.

Тўгаракка қатнашиш ёки фарзандини қатнаштириш ҳар кимнинг ихтиёрида. Бироқ бугунги бозор иқтисодиёти шароитида аллақачон ўзини тиклаб, ҳар томонлама моддий асосини яратиб олган кишиларнинг ўз фарзандларини савдо-тижоратга эмас, ижод оламига йўллай бошлагани мени қувонтирди. Кўз олдимда мактаб партасида илҳом ва иштиёқ билан ёзилган машқ дафтарлари турарди. Бу ҳаваскорлар орасидан ҳали кимлар етишиб чиқажаги, уларнинг истеъдод даражаси қандайлиги келажакда кўринади. Лекин бугун бу болажонларнинг руҳий баркамоллик оламига эътиқод билан қадам қўйганликлари муҳим ва қувончли ЯНГИЛИК эди!

Балки бу тамоман янгилик ҳам эмасдир. Назаримда, бозор иқтисодиётига ўтиш бошланган ойларда биз бироз саросимага тушдик, шекилли. Бозорда, табиийки, моддий бойликнинг харидори кўпроқ бўлади. Маънавий бойлик яратувчилар сони саноқли бўлганидек, улар маҳсулоти қадрини ўрнига қўядиган харидорлар ҳам ҳисобли. Янгидан пайдо бўлган саноқсиз савдо расталари шунинг учун ҳам ўтган маълум вақт оралиғида маънавиятга соя ташлаб, бизни кўзга тез чалинадиган моддий неъматлар билан бироз чалғитди. Илиги тўқ, кўзи тўқ иймонли одамларгина юрагини поклашга, шуурини чархлашга қодир бўладилар, деганлари ростга ўхшайди. Бундай кишилар ҳар қандай шароитда ҳам маънавий баркамоллик пиллапояларидан юқори кўтарилишга ўзларида куч-ғайрат, шижоат топа оладилар. Ўзларини йўқотмайдилар, солиҳ йўллардан чалғимайдилар, адашмайдилар.

Шу жумлаларни қоғозга туширдиму ўйланиб қолдим. Мустақилликнинг бешинчи йилида яшаяпмиз. Энг оғир қийинчиликлар ортда қолди. Истиқлол мевалари кўрина бошлади. Моддий ва маънавий ўсишимиз барқарорлашмоқда. Аммо, баъзи бирларимиз узоқни кўра олмай, ўтиш даври паст-баландликларига кўникмай ўзни ҳар кўчага ураётганимиз, бозор муносабати дея гоҳо иймон-эътиқодимизни ҳам бозорга солаётганимизчи?

**Мукаррама**
**МУРОД қизи**

АМИР ТЕМУР 660

## «ҲАЙРАТ ИСТАСАНГ, СУКУТ САҚЛА»







Соҳибқирон бобомиз Амир Темур сиймосини гавдалантириш, темурийлар тарихини тиклаш ишига мўйқалам соҳиблари ҳам ўзига хос улуш қўшмоқдалар.

25 январ куни Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи биносида кўргазма очилди. Бу кўргазмада Т. Қурёзов, Р. Худойберганов, И. Воҳидов, Э. Машарипов, А. Абдуллаев, М. Йўлдошев, Ҳ.Санаев каби мусаввирларнинг энг янги асарлари биринчи марта намойиш қилинмоқда.

Кўргазманинг катта қисмини иқтидорли рассом Тўрабек Қурёзов мўйқаламига мансуб асарлар ташкил қилади. Т. Қурёзов кўргазмага қўйилган ҳар бир асарини яратишдан олдин ўнлаб тарихий манбалар, афсона ва ривоятларни синчковлик билан ўрганиб чиққан. Огаҳий, Абулғози Баҳодирхон каби адибларнинг тарихий асарлари, Туркия ва Ҳиндистондаги илк манбалар билан ҳам яқиндан танишган бу мўйқалам соҳибининг асарлари тарихий ҳақиқатга яқинлиги билан томошабинлар диққатини тортмоқда.

У Амир Темур қиёфаси акс эттирилган икки асари билан кўргазмада қатнашмоқда. Уларнинг бирида соҳибқирон бобомизнинг баҳодирона кўриниши акс эттан бўлса, иккинчисида Амир Темурнинг тахтда ўтирган ҳолати гавдалантирилган. Тарихий ва адабий манбалар асосида ишланган «Йилдирим Боязид», «Чингизхон», «Ўгизхон, «Аланқува» «Мумтоз Бегим» каби асарлар ҳам шу истеъдодли рассом мўйқаламига мансуб.

Тарихдан маълумки, Амир Темур Аҳмад Яссавий тариқатига алоҳида эътибор билан қараган. Мусаввир Т. Қурёзовнинг «Аҳмад Яссавий» асари бу икки буюк зот ўртасидаги уйғунликни яна бир бор исботлайди. Соҳибқирон Амир Темур билан пири комил Аҳмад Яссавий ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мусаввир Ҳ. Санаев ҳам ўз имконияти даражасида тасвирлашга ҳаракат қилган. Шунинг учун ҳам у чизган «Аҳмад Яссавий» портрети Амир Темурга бағишланган кўргазмани нурлантириб турибди.

Кўргазмадаги суратларни нурафшон қилиб турган асарлардан яна бири Ҳ. Санаевнинг «Баҳоуддин Нақшбанд» портретидир. Кўргазмага қўйилган асарлар ичида темурий шаҳзода ва маликалар, бошқа тарихий шахслар портретлари ҳам томошабинларда қизиқиш уйғотмоқда. Ҳ. Санаевнинг «Улуғбек», Р. Худойбергановнинг «Бобур», Т. Қурёзовнинг «Мумтозмаҳал» каби тарихий шахслар сиймоси гавдалантирилган асарлари шулар жумласидандир.

Мусаввир Э. Машариповнинг «Шоир ва мусаввир» асарида эса XV асрнинг буюк мўйқалам устаси Камолиддин Беҳзод ва мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг ижодий суҳбати акс эттирилган.

Кўргазмадан жой олган Р. Худойберганов, М. Йўлдошев каби муссавирлар мўйқаламига мансуб асарларда бир умумий хусусият кўзга ташланади. Р. Худойбергановнинг «Гўри Амир», «Бибихоним», «Шоҳи-Зинда», «Бухоро» каби асарлари ҳам, М. Йўлдошевнинг Самарқанд туркумига кирган қатор асарлари ҳам Темур ва темурийлар даври маданияти, меъморчилик санъатини акс эттиришга бағишланган.

Айниқса, ўз ижоди билан кўпчиликнинг эътиборини қозонган М. Йўлдошевнинг «Қадимий Турон бешиги» учлиги кўпчиликни ҳайратга солмоқда. Бу учлик қадимий ва навқирон уч шаҳар, уч маданий марказ — Хива, Самарқанд ва Бухорони ўзида жамлаган яхлит бир асар бўлиб, ҳар бирида шаҳарларнинг энг диққатга сазовор, бири иккинчисини такрорламайдиган ўзига хос жиҳатлари, алоҳида бўртиб турадиган кўринишлари акс эттан.

«Ҳайрат истасанг, сукут сақла» деганларида буюк мутафаккир Навоий ҳазратлари минг карра ҳақдирлар. Кўргазмага қўйилган ҳар бир асар улар олдида сукут сақлаб, ҳайрат кўзи билан кўриш, ҳайрат чархлаган ақл билан мушоҳада қилишга арзийди.

**Темир ҚУРБОН**

*Маъруф ЖАЛИЛ*

## АМИР СУЛТОН БУХОРИЙ КИМ?

Фузулийнинг 500 йиллиги шарофати билан Туркияга борганимизда Ёзарлар бирлиги раиси Меҳмет Дуғон Миразиз Аъзам билан иккимизни юбилей тантаналаридан кейин суҳбатга тортди.

— Бир келибсизлар, яна келиш қачон насиб қилади. Туркия билан танишинглар, — деди. Биз рози бўлдик. Истамбулда оламга машҳур Аё София мачити, Тупқопи музейи ва бошқа жойларни, Куне, Бурса, Анқара, Баликесар каби шаҳарларни, хуллас Мармар денгизидан Қора денгизгача бўлган олти вилоятни кўрдик. Ҳаммаси ажойиб, гўзал, одамлари дилкаш, қадрдон экан.

Мени Амир Темур ва Султон Боязид билан боғлиқ жойлар кўпроқ қизиқтирарди. Меҳмет Дуғон бизни ўз машинасида қадимги Анқара қалъасига олиб борди. У Олтин тоғ деган тепалик устига қурилган экан. Узоқ йиллар, жанг-жадаллар, қаровсизлик оқибатида қалъа бузилиб, вайронага айланган. Илгари султонлар қароргоҳи бўлган муҳташам қалъа харобаларида ҳозир лўлилар истиқомат қилишади. Атрофига уйлар қуриб олишган. Қалъанинг кунчиқар томонидаги девори яхши сақланган. Тош ва семондан қурилган девор устига чиқдик. Унинг қалинлиги уч метрдан кам бўлмаса керак. Пастга қараган кишининг боши айланади. Баландлиги ўттиз метрдан ортиқ.

Мана шу тоғ этагида, анқара қалъаси ёнида Амир Темур билан Султон Боязид қўшинлари ўртасида қаттиқ уруш бўлган. 1402 йилда Амир Темур қўшинлари ғалаба қозонган.

Европа адабиётида Султон Боязидни босқинчи, жоҳил, очкўз, нодон, калтабин, тубан одам сифатида тасвирлашган. Аслида шундайми? Биз Султон Боязиднинг ҳаёти ҳақида жуда кам маълумотга эгамиз. «Султон Боязид ҳақида китоблар борми?» деб сўрасам, турк дўстларим «Йўқ», дейишди. Ҳар бир ҳукмдорнинг ёнида унинг қилган ишлари, айтган гапларини ёзиб борувчи котиб тарихчилари бўлган-ку.

Хуллас, Туркиянинг ўша пайтдаги пойтахти бўлган Бурса шаҳрига борганимизда (тақдир иноятги бўлса керак) тугуннинг бир учи кўринди.

Бурсалик ношир дўстимиз бошчилигида номозга бордик. Деворлари мармар билан қопланган салобатли мачит. Ташқи кўриниши оддий. Аммо ичи ғоят гўзал. Деворлари, шифти ранго-ранг нақшлар билан безатилган. Ерга чиройли гиламлар тўшалган. Минг киши бир йўла номоз ўқиса бўлади.

Бу мачитни Султон Боязид қурдирган экан. Унинг қурилиши билан боғлиқ, мен учун кашфиёт бўлган воқеани шу ерда эшитдим.

Султон Боязид пойтахтда мачит қурдирмоқчи бўлиб аъёнлар, уламолар билан маслаҳат қилади. Собунчи бобо деган авлиё мачит қурувчиларига ҳар куни иссиқ нон ёпиб бермоқчи бўлади. Собунчи бобо ким? Туркчада Собунчи деб новвойни айтилади. Бобони ўзбекча ота дейиш мумкин. Новвой ота. Бу Яссавий тариқатини Туркияда тарқатган авлиёнинг лақаби бўлса керак.

Бизни Собунчи бобонинг кулбаларига олиб боришди. Икки тавақали кичкина дарвозадан кириладиган торгина ҳовли. Бизнинг эски шаҳарлардаги чўпкори уйларга ўхшайди. Торгина тандирхона. Тандир қишлоқларимиздаги оддий тандирларнинг худди ўзи. Юқорироқ қурилган, тик туриб ёпилади. Унинг ёнида истиқомат хонаси. Ҳовлида тут дарахти. Мадрасада таҳсил кўрган бир йигит Собунчи бобо чироғини ёқиб, зиёратчилар билан муомала қилиб турар экан. Пастликда, кўча четида Собунчи бобонинг муъжазгина мачити бор.

Хуллас, Собунчи бобо ҳар куни Султон Боязид мачити қурувчиларини иссиқ тандир нони билан таъминлаб туради. Мачит қурилиши поёнига етади. Султон Боязид мачит очилишида амри маъруф қилишни Амир Султон Бухорийдан илтимос қилади. Лекин Амир Султон Бухорий Боязид Елдиримдан узр сўрайди.

— Шу вазифани Собунчи бобо бажарсалар. Ул зоти шариф бунга ҳақли ва муносиброқдир, — дейди. Султон Боязид рози бўлади.

**Давоми иккинчи бетда**

